



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING
QARORI

№18 * Mart 20 21 y

Yaypan shahri 196 sonli

“ALBUS CEMENT CROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк қўшма корхонасига туман хокимининг захира ерларидан йўл сифатида вақтинча фойдаланиш ҳукуқи билан ер майдони танлаш ва ажратиш ҳақида

Такдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 20-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6,10,25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг Шурсув МФЙ атрофидаги туман хокимлиги захира ерларидан “ALBUS CEMENT CROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк қўшма корхонасига йўл сифатида фойдаланиш учун ер майдонлари танлаш ва ажратиш тўғрисидаги 2021 йил 12 мартдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2.“ALBUS CEMENT CROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк қўшма корхонасига қишлоқ хужалигида фойдаланмайдиган Ўзбекистон тумани хокимининг 20.12.2018 йилдаги 3187 сонли қарорига асосан туман хокимлиги захира ерлари 1115 қ контурларидаги 748,00 * 16,00 метр жами 11968,00 кв.м. ер майдонидан йўл сифатида вақтинча фойдаланиш ҳукуқи билан таълаб, ажратиб берилсин.

3.Ушбу қарорни ижросини белгиланган муддатларда бажарилганини назорат қилиш туман хокимининг 1-уринбосари М.Сатторов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими:



Ш.Юлдашев

Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг Шўрсув МФЙ атрофидаги туман ҳокимлиги захира ерларидан “ALBUS CEMENT CROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк қўшма корхонасига йўл сифатида фойдаланиш учун ер майдонлари танлаш ва ажратиш тўғрисидаги

ДАЛОЛАТНОМАСИ

12.03.2021 йил

Шўрсув шаҳарчаси

Туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг раиси:

Ш.Юлдашев - туман ҳокими.

Комиссия раиси ўринбосари:

- М.Сатторов - туман ҳокимининг 1-ўринбосари
Комиссия аъзолари:
- А.Ражабов - Кадастр агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси Ўзбекистон тумани бўлими бошлиғи
- О.Ваҳобов - туман қурилиш бўлими бошлиғи.
- А.Сулаймоннов - туман санитария эпидемиология осойишталиги маркази бош врачлари
- Ғ.Ҳамрақулов - Экология ва атроф-муҳитини муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Ўзбекистон тумани инспекцияси бошлиғи
- Ж.Мелиев - туман электр тармоқлари идораси бошлиғи
- Д.Раҳмонов - туман ФВ бўлими бошлиғи
- Э.Раҳимов - “Яйпангаз” идораси бошлиғи
- Р.Маҳмудов - туман алоқа бўлими бошлиғи
- А.Якубов - “ALBUS CEMENT CROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк қўшма корхонасига раҳбари

Шу куни “ALBUS CEMENT CROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк қўшма корхонаси раҳбари А.Якубовнинг туман ҳокимлигида 28.01.2021 йил куни 93 сон билан қайд қилинган аризасида Шўрсув шаҳарчасига чегарадош бўлган туман давлат захира ерларидан йўл учун ер майдони ажратиб беришни сўраган.

Аризани тегишли мутахассислар иштирокида урганиб чиқдик.

Сўралган жой Шўрсув курғони атрофидаги туман давлат захира ерлари 4 участкасида жойлашган қишлоқ хужалигида фойдаланмайдиган Ўзбекистон тумани ҳокимининг 20.12.2018 йилдаги 3187 сонли қарорига асосан туман ҳокимлиги захира ерлари 1115 қ контуридаги ер майдони булиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 20-моддаларига асосан “ALBUS CEMENT CROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк қўшма корхонасига йўл сифатида вақтинча фойдаланиш руҳсат берилиши мумкинлиги аниқланди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, ҳамда “ALBUS CEMENT CROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк қўшма корхонасига аҳоли яшаш жойлардан ташқаридан ўзга тегишли ишлаб чиқариш заводига хом ашё ташиш ҳамда таёр махсулотларни олиб чиқишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон тумани хокимининг 20.12.2018 йилдаги 3187 сонли қарорига асосан туман хокимлиги захира ерлари 1115 қ контурдаги қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ердан 748,00 * 16,00 метр жами 11968,00 кв.м. ер майдонидан йўл сифатида вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш ишларини бажардик.

“ALBUS CEMENT CROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк қўшма корхонасига йўл сифатида фойдаланиш учун вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиладиган ер майдони чегаралари:

- Шарқдан, Шимолдан, ғарбдан ва жанубдан – туман давлат захира ерлари худуди

Рельефи тоғлиқдан иборат булиб санитария-гигиена, табиатни муҳофаза қилиш талабларига мос келади.

Зилзила бардошлилиги 8-9 балл.

Далолатномага ажратилаётган ер майдонининг 1:10000 нисбатли харитадан кўчирмаси илова қилинади.

Комиссия раиси:

Ш.Юлдашев

Комиссия раиси ўринбосари:

М.Сатторов

Комиссия аъзолари:

А.Ражабов

О.Вахобов

Ғ.Хамракулов

А.Сулаймонов

Ж.Мелиев

Д.Рахмонов

Э.Рахимов

Ғ.Махмудов

А.Якубов

